



କୋଳମ ପ୍ରମାଣ ମୁଖ-ନେତ୍ରଦୟିନୀ

ପ୍ରମାଣ ପ୍ରମାଣ



**ХОЖА МУҲАММАД ОРИФ
АР-РЕВГАРИЙ**

ОРИФНОМА

**ТОШКЕНТ
«НАВРУЗ» НАШРИЕТИ**

Дилшод ҚИЛИЧНИНГ «Турондот» корхонаси

Х 70
ББК 86.38

Форс-тожик тилидан
Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ
ИСРОИЛ СУБҲОНИЙ
таржимаси

Масъул муҳаррир ТИЛАК ЖҮРА

Хожа Мухаммад Ориф Ар-Ревгари.
Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим
Бухорий, Исройл Субҳоний тарж.; Масъул муҳаррир
Тилак Жўра/. — Т.: Наврӯз, 1994. — 16 б.

Хожан Жаҳон Абдулхолиқ Гиждувонийнинг шогирдлари
Ориф ар-Ревгарий (Моҳитобон) бўлган. Хожа Орифнинг «Ориф-
нома» асари борлиги ҳақида шу вағтгача бизда маълумот
йўқ эди. Ваҳоланки, «Орифнома»дан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд
ва бошқа авлиё-алломалар баҳраманд бўлган, таълим олганлар.
Қарийб 800 йил олдин ёзилган, ҳар бир жумласи ҳикмат, ҳар
бир гапига олам-олам маъни сингдирилган бу асар Сиз — азиз
китобхонларимизнинг кўнгил мулкингизга айланади деган умид-
дамиз.

АДАВИЙ БАДИЙ НАШР

Хожа Мухаммад Ориф-Ар-Ревгарий ОРИФНОМА

Масъул муҳаррир Тилак ЖўРА Муҳаррир Нортўхта ҚИЛИЧ
Бадиий муҳаррир Азиз САИД Мусаввир Нодир САЛОМ
Техник муҳаррир Татъяна СМИРНОВА Мусаҳҳиҳ Зарифа МАННОПОВА

Босмахонага берилди 29.ІІІ.94. Босишга рухсат этилди 31.ІІІ.94. Бичими
84×108½. Юқори босма. Мактаб гарнитураси. Шартли босма табори 1.00.
Нашр табори 0.84. Шартнома № 22 Жами нусха 75.000. Баҳоси шартнома
асосида.

«Наврӯз» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.
Дилшод ҚИЛИЧНИНГ «Турондот» корхонаси. 700129. Тошкент, Навоий

кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-
журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1 уй.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Ҳамди қоғий ва санойи воғий беадад ўшал Аҳадгаким, — лам ялид валим юлад ва лам якунлаҳу куфуван аҳаддур (Аллоҳ тутмаган ва тутилмагандир ва ҳеч ким у зотга тенг эмасдир. «Ихлос» сураси, 3—4 оятлар) Ааза исмиҳу (азиздур унинг исми) ва Жалла зикриҳу (ва унинг зикри буюқдир). Ва беҳад дуруд Расулигаким, яъни Мұҳаммад ва Аҳмад аталмиш — алайҳи ва ала сөнрил анбиёи минас-салавоти амкалухо ва мии аттаҳиёти ашмалиҳо ва саллим ва саллим ала олиҳил узоми ва саҳабатил кироми ило явмил қиёма.

(Аммо баъд: Аюҳал толибуллоҳ ва соликуллоҳ!) эй, Аллоҳнинг толиби ва Ҳақ йўлидаги солик! Дунёни тарк этмоқ, дегани Аллоҳдан бошқа нақши (ном)ни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмоқ, демакдир. Ва бу иш олий даражага етмоғингга ҳужжат бўлгай. Барча роҳ, равиш — йўлда охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат шу тарзда амалга ошгай. Бир мақом (даража)дан иккинчи мақомга қўтарилимоқ аҳли нақлия ва кашғия учун оғир риёзатлар орқали ҳосил бўлади; зоро, ҳою ҳавас ва нағси аммора юқорига қўтарилимоққа тўсиқдир ва ушбу қусурлар барча мўъмин дилининг бузилмогига бопс ҳисобланур. На у-занбиллоҳи миназзолик!

Мен — фақиру ҳақир, умрини беҳуда сарф этган, пургеноҳ, пурхато Мұҳаммад Ориф ар-Ревгарий ёзиб маълум қиласманки, одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзни малойикага монанд этсин! Яъни, нағсини ўзига бўйсундирсин ва афиғ (покиза) бўлсин ва ҳамма вақт зокир (Аллоҳни зикр этувчи) ва мудом бандалик аҳду паймонига жидду жаҳд айлаб сайъ-ҳаракат қиласин. Яъни, Ҳақ азза исмиҳу ва зотиҳудан ўзга зотни ўзига маҳбуб этмасин ва Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмасин! Ва ҳамиша аброр ва ахёр (нек, фозил одам) ларга мулоғимлик (хизмат) қиласин. Зоро, ҳушёр бўлсинки, ал вақту сайфун қотиун! Яъни — вақт шамшир каби кескирдур! Турфатул айн (дақиқа)ни ҳам гафлат ва беҳуда ўтказмасин ва Субҳонау таолодан бошқа зот хаёли билан хуш-хурсанд бўлмасин!

Эй ориф! Юқоридаги сабоқларни ўзлаштиринг, сенинг эндиги вазифаинг — Қуръони возибут таъзим (таъзимга сазовор Қуръон) даи ва Расули Каримнинг ҳадисларидан ва парҳезкор аҳлудлоҳлар (яъни Аллоҳга яқин кишилар) панду насиҳатлари, ҳикматларидан баҳра олиб, бошқаларни ҳам баҳраманд этгайсен ва тўғри йўлга бошлагайсан. Зоро, улар ҳам сенинг ҳақиқий биродарларингдур.

Аюҳал ориф! Сен ҳамма ҳол ва афъол (феъл-автор) ва ҳамма аҳволда (қавл, сухан, гашда) паришон бўлмай, доимо Муҳаммад Мустафо салоллоҳу алайҳи ва саллам суннат ва шариатларига амал қил ва зинҳор шак келтирмагил, токи шоумид этилган ва қувилганлар (шайтонга эргашувчилар) қаторига кириб, расвойи жаҳон бўлмагайсан, наузанбилоҳи миназ золик.

Эй ориф! Мавта қабла анта мавта! (Ўлим келишидан олдин ўлинг!) Бу Ҳақ таолонинг хос одамлари сифатидир. Сен ҳар қачон дунё оройишига алданиб, унинг жилвагар зийнатларига учма, нафсоний муродотинг талабларини фаромуш айлаб, жисми жонингга илашиши мумкин бўлган разил иллатлару бузук хаёл ва фосиқ фикрлардан ўзингни мосуво қил! Ва барча-барчага молу жонинг билан баббаравар хизмат қилиб ва ҳечкимга хизмат буюргагил, тоат-ибодатнинг барча арконларига сидқидидан риоя эт! Янги иморат ва янги тўн (либос) ҳою ҳавасидан ҳазар қил, нафрат айлагил! Зоҳир ва ботинингни хиралик ва кудуратлардан пок айлаб, ўзингни Аллоҳ йўлига тўла бағишила ва ҳаргиз юксак мартабу олий даража, мақомотларга талабгор бўлма! Ва фақиру ғанийликда аҳволингда ҳеч қандай ўзгариш сезилмасин ва ҳаргиз сенга Қуръони Карим тиловати ила тоат-ибодат этмоқ малол келмасин.

Зарурат бўлмаса жамоат бирла ўтирма ва гапирма ва доим мағмузалайн (кўз юмуқ) бўл! Ва ҳамиша таважжуҳ (диққат) ва иқболинг муқаддас илоҳий даргоҳга қаратилган бўлсин. Ва андак луқмага қаноат этиб, тоат риёзат ва зикрга мудом харис бўл! Ва дунёвий фириб-найранг, лаззатларни ўзингга манзур этмагайсан!

Аюҳал ориф! Пок ва зок эътиқодли бўл! Зероки қора юрак, чиркин кўнгил бутун аъзойи бадани палид (ҳаром) қилгай! Ахир, Аллоҳнинг бизни қабул этиши ё эт маслиги айни шу кўнгил туфайли-ку!

Аюҳал ориф! Имони комил мўъмин улдурғи, пулу давлатдан юз ўғирсин, рангин либослар ва нозу неъматлар уни ўзига мафтун этмасин, катта нафс гадосига айланмасин! Ва у буларнинг барчасига зулм этиб, ҳақорат назари билан қарасин! Унинг нафси саркашлик ва хур-

сандлик этмасин, рўзгор ташвишларидан малул (гамгин) бўлмасин. Ва яхши кун ҳам, ёмош кун ҳам унинг учун баробар мөҳият касб этсин.

Аюҳал ориф! Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам буюрудурларки: «Кунғид-дунё коаннака ғарибун ва оби-ру сабилин». Мўъмин киши ўз хонасига бош сукар экан, ўзини қабри қароргоҳига кираётгандек ҳис қилсин. «Оё бу хонадан қайтиб чиқа оламани ё йўқ», деб ўйласин, тапқарига чиққанда эса «Оё уйга қайтиш мен учун яна пасиб этар ё йўқ», деб мушоҳада этсин.

Аюҳал ориф! Бандаи мўъмин Жаноби Ҳазрати Аҳдият мудаббатига муяссар ва олий мартабага эришган билан Аллоҳ таоло ибодатини ўзидан заррача ҳам соқит этмасин. Ҳушёр бўлки, анбиёп алайҳимуссалом Аллоҳга яқин бўлганлари билан ҳаргиз зиммаларидан амри наҳий ва бошқа ибодатлар соқит қилинмади, балки улар ўзгалардан ҳам кўпроқ машғул бўлдилар. «Фазлан анил валийи ва гайрни золика из қолаллоҳу таборака ва таоло ва тақадаса ваъбуд роббака ҳатта ятиякал яқин айил мавти» Олий ва муқаддас Аллоҳ таоло дедики, бу дунёда сен ўзингни бир ғарib, шикастаҳол ва ёҳуд бир йўловчи каби ҳис қил. Ҳатто ўлимингга бир дақиқа қолганда ҳам Парвардигорингга ибодат қил.

Аюҳал ориф! Имон неъмати ва Раҳмон маърифатини ҳосил этганингдан кейин, алҳамдулиллоҳ, бу буюк лоязол (безавол) неъмат шукронасига машғул бўл. Ва бу илоҳий неъматга — куфрони неъмат (яъни қўрнамаклик) этмагил. Ва кўрнамакликдан қўрқ ва ҳазар әт, наузанбўллоҳи миназ-золик!

Билки, куфр — ҳува сатрул ҳаққи, яъни Ҳақни (ҳақиқатни) яширмоқ ва ширки ҳува ал шароқу биллоҳи, яъни Аллоҳга ширк келтирмоқ ҳисобланади. Далил шулки, ал-куллу финори ва мин-аҳлин нюриа, яъни буларнинг ҳаммаси дўзахийдур, аҳли дўзахдур. Бундайларлан узоқроқ юр!..

Аюҳал ориф! Соликлар тариқатининг бошланиши ва саодати калити ва диннинг амри — тавба-тазаррудур! Пайғамбар алайҳиссалом деганларки: «Ат-тойибиу миназ-за би каман заниб алайҳу-тавба этган киши ғенуноҳдек бўлиб қолади». Тавбанинг ҳақиқий маъноси бегоналиктан ошнолиикка, (Аллоҳдан) узоқликдан (Аллоҳга) яқинлашмоқдур. Чунончи, тавба — ислом динининг туғи!

Аюҳал ориф! Англагилки, кишининг ҳоли нозикдур! Мўмин дили соғ ва солим (соглом) бўлиши лозим. Аллоҳ таоло дедики: «Явмун ло янфау молун вало банунун илло ман атомаҳу қалбин толимин. Вали қавлуху Таоло:

«явма янфау орифин сидқиҳум» — Қиёмат куни на мол на фарзанд фойда бермас, қай шахсаки Аллоҳ таоло солим қалб берган бўлса, ўшанинг фойдаси тегади. Ориф ларга сидқлари (Аллоҳга садоқатлари) ёр бўлгай!

Инсон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги парсалар Аллоҳ таоло томонидан берилгандур, лекин касб-хунар мақомига эришмоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнида сайъ-ҳаракат ва таважжуҳ, кўплаб риёзат чекиш ва жидду жаҳд ила ёмон иллатларни йўқотиш оқибатида покизалик ва нек хислатлар ҳосил бўлгай ва даража ба-даража тараққий этиб, камолот мартабаси ва шарапу висолга эришгай. Аммо бу ўринда солик учун бирламчи важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдурки, ул — қашғининг муқаддимаси ва қашғ — маърифатнинг ва маърифат — мушоҳаданинг муқаддимасидур. Ва шундан сўнггина унга гайб эҳсони мұяссар бўлур! Солик кўз ўнгидан пардалар кўтарилиган заҳоти унинг мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланур!

Аюҳал ориф! Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юқ осиглик экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун?! Соликким, бу дунёга дилбандлиги бисёрдур, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўйолмас.

Аюҳал ориф! Ориф әмас, ул кишиким илм ва маърифатини пулдор дунёпаст ва бадавлат одамлар олдига «дастурхон», бозор, балки хор айлагай! Агар мардум (халқ) ориф нури тажаллийсини кўрса — анда қуйгай ва агар ориф Вужуд (Худо) нурини кўрса — анда қуйгай! Ориф Ҳақдан — ҳаққа, олим далил-исботдан — Ҳаққа бормагай, важд бу ҳар иккӣ ҳолга ҳам муҳтоҷ әмас.

Аюҳал ориф! Шайтони лайн ҳар саҳар ориф қишига ушмундоқ ваҳимали савол қилур: «Бугун не таюовул қилурсен?» Ориф ер: «Ўлим!» Яна дерки: «Либосинг йўқ, қай либосни киурсен?» Жавоб қилурки: «Кафани!» Яна сўроқ қилур: «Қаю ерга борурсен?» Жавоб: «Гўрга!»

Аюҳал ориф! Каломи Мажид ва ҳадиси набавий салоллоҳу алайҳи васалламдан кейин машойихлар раҳматуллоҳи алайҳи каломларини тинглағил, алар қалбда тавғиқ ва (Аллоҳ ғазабидан) қўрқув сабабчисидур. Ва Аллоҳ таоло душманларидан нафрат этмоққа ва Аллоҳ ризоси бўлган ишлар билан машғул бўлмоққа боис бўлгай.

Ва мин каломи ал-машойихо — машойихлар каломи ушбуудур: «Модомат таҳоғул фақр фо анта мунофиқун» — Модомеки камбағалликдан қўрқсанг, бас, мунофиқсен!

Ва минҳо: кимеки дарвишлар сұхбатини тарқ айлаб, бой-бадавлат, дунёлар анжуманини ихтиёр қилса, Аллоҳ таоло унинг қалбини ўлимга мубтало этгай!

Ва минҳо: ал адабу ҳилиятул аҳрори – одоб пок одамлар зийнатидур.

Ва минҳо: жамии маърифат асосини Аллоҳ таолога бўлгав сидку эътиқод маърифати ташкил қиласди.

Ва минҳо: банданинг Парвардигори висолига етимогининг аввали ҳижрондур.

Ва минҳо: авлиёлик аломати учдур: биринчиси: банд даражани әгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ; иккинчиси: қудрати, сабру тоқати етунча парҳезкорлик қилмоқ; учинчиси: то кучи етгунча инсоф қилмоқ.

Ва минҳо: кўрдингки, мурид дунё талабига кўпроқ майл билдирур, бу унинг ортга қайтиши ва тубанлашмоги нишонасидур.

Ва минҳо: бирорни ҳаддан ташқари кўп мадҳ қилмоқ мажусийлик исботи ва бу иш Аллоҳ таолони инкор этмоқ ила баробардур.

Ва минҳо: хабарда айтибурларки, мардумнинг ҳалокати шулки, унинг тана аъзолари нафл намозлари ва тайин этилган фарз ва амалларга қалб амрисиз машғул бўлгай!

Ва минҳо: ал валию ман юволи авлиёolloҳ ва юоди аъдааху — Валий ким? Аллоҳнинг дўстини — дўст, душманини — душман билувчи киши валийдур.

Ва минҳо: маърифатнинг чегараси — нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг тадбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдур.

Ва минҳо: тавҳиднинг маъноси ушбурудур: Сенинг қалбингда Аллоҳдан бошқа зот учун жой йўқ, сифмагай.

Ва минҳо: очлик — зоҳидлар, зикр — орифлар таомидур.

Ва минҳо: кимеки Аллоҳ таолодан бошқа зотни азиз этиб, иззат қилгай, батаҳқиқ шу иззати уни хор этгай!

Ва минҳо: такаббур — гуноҳга итоат этувчи шахсдур ва унинг тоати гуноҳдан кўра батарроқдур ва ўзига гуноҳидан кўра заарлироқдур.

Ва минҳо: Аллоҳ таоло томон ҳақиқатан ҳам юз тутган шахснинг аломати шулки, у йўлдан чалғитувчи ишлар ила машғул бўлмагай (Аллоҳ уни беҳуда ишлар билан машғул бўлишдан сақлайди).

Ва минҳо: бу дунёда вужудинг билан ва охиратда қалбинг билан бўл!

Ва минҳо: маърифат — қалбнинг Аллоҳ таоло ягоналигини таҳқиқ (тасдиқ) этмогидур!

Ва минҳо: қайси одамеки, истиғфор этиб, тағин гуноҳга қўл ургай, Аллоҳ таоло бундайларнинг тавбасини ҳаром қилгай ва алар томонта ҳаргиз назар ташламас.

Ва миндо: зи қуссучуни маширатул аздоди — ёмон (бадкор) одамларнинг турган жойи зиндан торлигидав башка нарса әмас.

Ва миндо: кимеки қилаётган амалини зоҳир, яъни намоён этгай — мунофиқ, риёкор, иккюзламачидур (мурайидур). Ва кимеки ўз ҳолини зоҳир этгай — ул муддайидур. Ал осий хайрун минал муддай — осий банд муддайидан кўра яхшироқдур.

Ва миндо: ҳар ким ўз ихтиёри ила каромат зоҳир этса — ул муддайидур. Ва кимгаки унинг ихтиёрисиз каромат берилса — ул валийидур.

Ва миндо: сени Аллоҳдан тўсувчи парда дунёдур!

Ва миндо: гоҳо сукунатнинг таъсири — қаломдан устивор тургай!

Ва миндо: қай шахсгаким, нафси — каромат (ҳийла) этгай — унинг динига зарар етгай!

Ва миндо: албатта қўрқув — фақат Аллоҳ таолодан бўлмоғи лозим.

Ва миндо: Ё оғата ан-носи ало аюҳанноси! — Инсонлар фитнасидан огоҳ бўлинг инсонлар!

Ва миндо: зоҳид ва қомил шайх улдурким, фатволарга амал этгай, акс ҳолда у васвос ёхуд жинниидур.

Ва миндо: мард — Аллоҳ муҳаббатига етишган қишининг ҳадди улдурким, Аллоҳнинг унга берганию бермагани (ғам-шодлик) бир хилда бўлгай..

Ва миндо: диннинг асли — ҳилмидур! Ва ҳилмнинг асли — сабрдур. Абу Язид Бастомий (Боязид Бастомий — ҳижрий 216 йил таваллуд топган) жонини ҳаққа таслим қилаётган пайтда йиғлаб шундай деган: «Уч хатарнинг орасида қолганман. Бири улдурким — гуноҳлар орасида мен, билмасменким, Аллоҳ аларни мағфират қилгайми ё йўқ. Иккинчиси: тоатлар орасида қолганмен, билмасменким, Аллоҳ аларни қабул қилурми ё йўқ! Ва шундай бир шоҳнинг (Худо) шараф қурбатида қолдим, билмасменким, ўзига чорлагайму ва ё ҳайдаб, қувиб солгай!

Ва миндо: Робияи Адвия Ҳасан Басрийнинг асрдоши эди. Ул Ҳасан Басрийга уч нимарсани жўннатти: булар мум (шамъ), игна ва соч толаси эди. Аҳли ҳикмат бу воқеани ушмундоқ шарҳ қилурлар: мум каби мулойим бўл ва ўзинг ёниб олами мунаввар айла! Ва игна каби ўзинг ялангоч қолиб бўлса-да ўзгаларни кийинтир ва бир-бировларига пайванд эт! Ва Аллоҳ таолога олиб борувчи йўл — худди соч толасидек нозик ва ингичкадурким, тойиб йиқилишдан ҳушёр бўл!

Ва миндо: ориф улдурким — Аллоҳдан ҳар бир тилаб оловчи нафасида қалбини яратгувчисига тамом бағишила-

син ва бу ҳол то сўнгти пафасигача давом этсин ва унинг
бу сири халқдан пинҳон қолсин!

Ва минҳо: маърифатнинг самараси — Аллоҳ таоло то-
мон юз тутмоқдур.

Ва минҳо: сизга Аллоҳ таоло қай бандадан рози бў-
лишини айтайми — ул кишиким, меҳнатига ва меҳнатдан
келган неъматта шукrona қилур.

Ва минҳо: солик уйга киргандა Гаффор (Аллоҳ)нинг
сунъини (ижод, оғариниш) ва ташқарига чиққанда эса
Жаббор (Аллоҳ)нинг сунъини кўрсин (яъни ибрат олсин).

Ва минҳо: Аллоҳ таоло санъатининг тамошоси или
машгул бўлмоқ ғоят гўзал мутолаадур. Санъаткор (Ал-
лоҳ)ни кўрмоқ бўлсанг унинг ижодини мутолаа (мушо-
ҳада) эт!

Ва минҳо: мақтов Парвардигорга бўлсинким, деди:
«Мен сизларнинг Парвардигори оламингизман».

Хеч бир аёлнинг ёқасидан бош чиқмагай (яъни бирор
аёлнинг сўзига кирма)!

Вақтеки Робия Адвия қаттиқ бемор бўлди: Ҳасан,
Молик, Шақиқ уни кўрмоққа бордилар ва беморлиги са-
бабини сўрадилар. Дедики, мен жаннатга қарадим, Пар-
вардигорим шу боис менга шазар әтмади. Ва бу бемор-
лигим дўст (Аллоҳ)нинг итобидандур. Ҳасан деди: ўз
даъвосига содиқ эмас ул кишиким, Парвардигори урган-
да сабр әтмаса!

Робия деди: суханингдан манманлик ҳиди келмоқда.

Шақиқ деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким,
Мавлоси (Аллоҳи) урганда — шукур әтмаса!

Робия деди: сендан манманлик ҳиди баттарроқ кел-
моқда.

Молик деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким,
Мавлоси урганда — лаззат олмаса!

Робия деди: бундан-да ортиқроқ манманлик бўлурми?!

Алар дедиларки: сен ўзинг айт!

Робия деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким,
Мавлоси урганда азбаройи унинг мушоҳадасидан урга-
нини сезмасин, дард-аламини тамоман фаромуш әтсин.
Ва яна деди: Тилим махлуқлигим мушоҳадасидан захм
топмади. Ҳолбуки махлуқ Ҳолиқ мушоҳадасида шу си-
фат йўл тутса — бегоналардан (Аллоҳдан узоқ кишилар-
дан) бўлмагай. Ва яна деди: Ҳар неки менга шу дунёда
қисмат этган бўлсанг, ўз душманларингга бер ва ҳар
неки уқбо (охират)га мен учун қисмат этган бўлсанг —
дўстларингга бер. Зоро, мен учун бу дунёда ҳам фақат
ўзинг кераксен. Ва яна деди: «Худовандо! Агар сенга
қўрқаним учун сифинсан — мени дўзахингда куйдир ва

агар жаннатнинг умидида сигинсам — жаннатни менга ҳаром эт! Ва агар дийдоринг умидида бўлсам — жамолингни мендан дариг тутма, Парвардигорим!»

Ва минҳо: ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзинтга созла!

Нақл этурларки, Робиянинг дунёдан рихлат өтиш вақти етганида бузруг машойихлар теварагида ҳозир эдилар. Робия деди: «Ўрпингиздан туриб, Аллоҳнинг элчилариға жой бўшатинглар!» Улар ташқарига чиқдилар ва эшик қия очиқ қолди. Ичкаридан шундай товуш әшидилар: «Яа айятуан нафсул мутмаинах, иржиъии ила роббики розиятан марзийя» (Эй хотиржам нафс (руҳ, жон! Хотиржам нафс-бу мўъмин, итоаткор нафсdir. (Эй хотиржам нафс) қайтгин роббингга (Аллоҳ сен учун тайёрлаб қўйган неъматлардан) рози бўлган ҳолингда ва сендан Аллоҳ (бу дунёда қилган ибодат ва тоатларингдан) рози бўлган ҳолда. «Фажр» сураси, 27—28-оятлар. Муҳаммад Сиддиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси).

Бир оз фурсат ўтгач, эшикни очиб кўрдиларки, Робия жонини жононига тошириб, юзини тупроққа ўгириди. Ва уни тупроққа топширганларидан сўнг кечаси воқеада (тушларида) кўриб дедиларки, «Эй, Робия, ҳолингни баён эт, Мункар ва Накир савол-жавоби қандоқ кечди?» Ул дедики: «Чун фаришталар гўрга кириб, мендан: «Ман Раббука?» (Раббинг ким?), деб сўрдилар. Дедим: «Ортингизга қайting ва Аллоҳга айтингки, аниг минглаб мардлари бўла туриб, мендай бир нотавон пиразан заифани фаромуш этмади, мени андан бошқа кишим йўқ, қандоқ Уни фаромуш қалай? Яна бировни юбориб, Раббинг ким, деб сўратмоққа ҳожат борми?!»

Аюҳал ориф! Бапи одам табиатига хос ажойиботлардан бири шулки, ризқ-рўз тошмоқ мақсадида беҳуда елиб-юргай. Ваҳоланки Ҳақ Субҳонау таолонинг ўзи айтиб қўйипти: «Ва мо мин даббатен фил арзи ило алоллоҳи ризқухо» (Рўйи заминда ҳеч бир ҳайвон йўқки, Аллоҳ таоло унга ризқ бермаган бўлса). Аллоҳ таоло ризқни бермоққа кафил бўлган, лекин одамзот ўзини машаққатларга солгай ва охират даражасини топмоқ учун саъиҳаракат қилмагай, бовужуд билгайки, амалсиз охират харобдур.

Аюҳал ориф! Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам-нинг ушбу саҳиҳ ҳадисларини тинглагил: «Бу дунёда қанча фурсат туришингга қараб иш-қилгин, токи ортиқча амаллар билан умрингни беҳудага ўтказма! Ва охиратда қанча муддат туришингга қараб, Аллоҳга не миқдорда

муҳтоҗлигингга ва яна жаҳанинам оловига нечогли тоқат қила олишингга қараб иш қил».

Аюҳал ориф! Бандалик уч таврдур: аввали — олий шариат фармойишларини қаттиқ тутмоқ, иккинчиси — Худонинг қазосига рози бўлмоқ ва учинчиси — ўз итхиёри ва хоҳишидан кечиб, ҳақ Субҳонау таоло хоҳиши ва про-дасидан хурсанд бўлмоқдур!

Аюҳал ориф! Муршид (шир) улдурким, халқни дунё-дан уҳрга (охиратга) ва матьсият (гупоҳ)дан тоатга ва ҳирсдан-зуҳдга ва баҳилликдан — саҳоватга ва кибрдан—тавозега, гафлатдан огоҳликка, гуурдан — парҳезкорлик-ка чорлагай! Ва охират дўсти ва дунёвий зебу зийнат душманига айлантиrsин. Ва Аллоҳ таолонинг: «магфи-рат этаман!», деб берган ваъдаларига магрур бўлмаслик-ка ва тарсакори — қўриқиши (Аллоҳ таоло ғазабидан) ил-мини ўргатсан.

Аюҳал Ориф! Фузайл Аёз (ҳижрий 187 йил вафот этган) қунлардан бир кун фарзандини багрига босиб, эр-қалаб турганда боласи деди: «Эй, падар, мени яхши кў-расанми? «Фузайл деди: «Оре!» «Бола деди: «Аллоҳни-чи?» Деди «Оре!» Бола деди: «Оё падар, нечта юрагинг бор?» Деди: «Битта юрагим бор». Ул деди: «Бир юракда икки дўстни қандоғ сиғдирасан? Бир идишда сув ва оташ-ни сақлаб бўлурми?!» Фузайл раҳматуллоҳи алайҳ бил-дики, бу садо (калом) ғайбдан зоҳир бўлди ва Ҳақ тао-лонинг ғайратидандур. Фарзандини бағридан узиб, ерга кўйди. Тупроққа юз тубаён тушиб, юз-кўзини ерга урган-ча жонини жононига топширди.

Аюҳал Ориф! Мардлар Аллоҳ таолонинг муҳаббати даражасига шу вақтда эришган бўладиларки, Ҳақ тао-лонинг манъ ва атоийга бир хил муносабатда бўлсалар.

Аюҳал ориф! Сўфиёни Саври раҳматуллоҳи алайҳи бир кеча Фақил ёнига борди. У оят, ахбор ва осорлардан гапирди. Пировардида Сўфиён деди: «Бу кеча на қадар файзли ва муборак бўлди», Фақил деди: «Бу кеча ва бу суҳбат на қадар bemaza бўлди». Сўфиён деди: «Нега бундай деяпсан?» Деди: «Зоро, сен бу кеча фақат менга манзур бўлгилик бир фикр айтмоққа ва мен ҳам сенинг дилингни хушнуд этувчи сухан демоқ ила машғул бўл-дик. Ваҳоланки, ҳар иккимиз ҳам Аллоҳ таоло зикридан мосуво бўлдик. Бинобарин, ҳам суҳбатдан, ҳам узлатдан маҳрум бўлдик».

Аюҳал ориф! Огоҳ бўлгилки, у — Фақил деди: «Шун-дай бир жойда бўлгилки, сени ҳеч ким танимасин ва сен ҳам ҳеч кимни танимагин». Яна деди: «Қошки эди, ҳам ҳеч кимни танимагин». Аюҳал ориф! Огоҳ бўлгилки, у — Фақил деди: «Шун-дай бир жойда бўлгилки, сени ҳеч ким танимасин ва сен ҳам ҳеч кимни танимагин». Яна деди: «Қошки эди, ҳам ҳеч кимни танимагин».

салар ва бемор бўлсам кўришга келмасалар». Ва кечқурун бўлаверса, у шодланиб кетарди, энди менга хилват насиб этар ва Ҳақ таоло ила сұхбат бўлади», дер ва тонг отганда ғамгин бўларди, нечукким: «Ҳалқ энди көлиб мендан аҳвол сўрагай ва бисёр ташвиш бергай!» деб. Ва яна дедики: «Кимеки ҳалқ билан унс (яқин, ҳамсуҳбат) тутгай, ул ҳаргиз (хаф-хатардан) саломат қолмас. «Ва яна деди: «Дунёвий муҳаббат — барча кулфат ва ёмонликлар калитидур. Ва барча яхшиликлар калити — тарки дунё қилмоқдур» Ва яна деди: «Бас, шундай мардлар борки, мабраз (ҳожатхона) га кирурлар ва у ердан пок бўлиб чиқурлар ва шундай кишилар ҳам борки, Каъбага борурлар ва у ердан палид (ҳаром) бўлиб қайтурлар. Ва икки нарса қалбни фосид (ифлос) қиласди: кўп емоқ ва кўп ухламоқ».

Аюҳал ориф! Абу Туроб (Абу Нахшимий — Боязид Бастомийнинг шогирди) деди: «Қоронғу тунда бир саҳро-дан ўтар эдим, баногоҳ отлиқ бир киши пайдо бўлди. Қўрқиб кетдим ва сўрадим: «Сен девми ё пари?» Отлиқ деди: «Ўзинг-чи, мусулмонми ё кофир?» Дедим: «Мусулмонман!» Деди: «Мусулмон Аллоҳ таолодан бошқа зотдан қўрқмайди-ку?! Қола Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам: Ман хофа аниллоҳи хофа анҳу қулли шайен — Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам дебдиларки, Аллоҳ таолодан қўрққан кишидан ҳамма нарса қўрқади». Хавф танамни тарқ этди ва билдимки, у Ҳақ Субҳонаҳу тарафидан юборилган киши әкан!»

Аюҳал ориф! Яҳё Розий р.а. нинг бир биродари бор эди. У Маккага кетди ва ўша ерда муқим бўлди. Бир замон Яҳёга мактуб ёзиб дедики: менда уч армон бор эди, унинг иккитасига эришдим. Бири — умрим охирида шундай бир манзилга етсамки, ул жой барча ерга ҳисбатан муқаддас ва фазилатли бўлсин! Иккинчиси — бир ходима (хизматкор) топайки, ҳамиша менга садоқат билан хизмат этса... Иншоллоҳ булар менга муюссар бўлди. Учинчиси — ўлимимдан юдин сенинг дийдорингни қўриб, кўнглим таскин топса. Лекин ҳануз ушбу учинчи муродим ушалмай турибди».

Яҳё биродари мактубига жавоб ёзди: «Сенинг ҳар уччала орзуйинг ҳам Ҳақдан йироқ бўлганлар орзуисидир. Хатингда «фазилатли заминдаман» дебсан. Сен фазилатли одамлар қаторига қўшилмоққа ҳаракат қил, зеро фазилатли мард жойни азиз этар, жой мардни фазилатли қилмас. Эслагилки, анча муддат ҳаттоки муҳтарам ҳарам, (Каъба) да бутпарастлар ва мушриклар яшар эди. Лекин уларга бу макони шарифдан бирон фойда тегдими?!

«Яъни, улар фазилатли ҳам, мусулмон ҳам бўлмадилар». Ва: «Менга бир садоқатли ходимани Худо берди», деб хушиуд бўлиб ўтирибсан. Агар сен мард бўлганингда эди — ҳаргиз бироннинг хизматини орзу ҳам ва қабул ҳам қилмас эдинг. Зоро, маҳдумлик — Ҳақ сифати ва ходимлик банда сифатидур. Бишобарин, бу орзуйинг ҳам ботиллур. Ва бу Фиръави шеваси ва табиатига хосдур. Ва мени кўрмоқ орзуйингга келсак, агар сенинг юрагивигда Ҳақ таолонинг муҳаббати жой олган бўлса, ўзга киши учун у ерда жой йўқ. Ва агар сен Аллоҳ таоло муҳаббатини топган бўлсанг — унда мен ортиқчаман, агар топмаган бўлсанг — унда мендан фойда йўқ».

Аюҳал ориф ал комил! Одам ўлганидан кейин унинг қўл-оёгини аввал ростлаб, сўнг boglайдилар. Ундан кейин эса чақагини тангиг қўядилар. Ҳикмат улдурки: «Эй бечора банда, кўп таку дав қилиб югурдинг — елдинг, эпди ором ол. Не-не дунёвий нарсаларни олдинг, энди уларни жойига қўй. Ва бу оғзинг билан нималарни гапириб, нималар демадинг, энди — то қиёматгача хомуш бўл!»

Эй, бандай ориф! Шақиқ Балхий (ҳижрий 174 йил Душанбенинг Хатлон вилоятида шаҳид қилинган) р.а. нинг Эмина исмли қизи бор эди. У отасига деди: «Отажон, мени Эмина деб чақирма! Эмин — ул кишиким, Ҳақ Субҳонаҳу таоло ғазабидан эмин (бехавф, бехатар, қутулган тинч, омон) бўлгай. Ва мен хавф-хатардан холи эканлигимни билолмадим, балки тўрт хавф-хатар орасида қолганман: аввали — ўлим! Аллоҳ таоло айтмишлар — «Кулли нафсен зоиқатул мавти» — ҳар бир жон (нафс) ўлим шарбатини тотгусидур. Яъни бирор руҳ (жон)нинг бу шарбатдан итмасдан иложи йўқ. Иккинчиси: гундоҳ хавфи шуки, Ҳақ таоло деди: «Кулли нафсин бимо қасабат раҳнатун», яъни ҳар жон ва ҳар тан, неки айлар — хоҳ шарр, хоҳ ҳайр ва хоҳ фойда ва хоҳ заардур — ўша айлаган иши микдорида ўзи гаровдадур ва буларнинг ҳар бири учун хос жазо ё мукофот олур. Учинчиси: душман улдурки, Худованди таоло деди: «Иннаш-шайтона лакум адувун мубинун», яъни, батаҳқиқ шайтони лайн душмандур, сизлар учун, эй менинг бандаларим!» Тўртинчи хавф — ишнинг охиридурким, билмасменким, қай тариқа тугар! «Ва мо адри мо юфъалу би вало бикум», яъни охир-оқибатим нима билан тугашини билмайман. Эй, отажон, сиз ҳам буни билмассиз... ки, охир-оқибатингиз не бўлур..» У шундай деб жонини Ҳақ таолога топширди.

Аюҳал ориф ас-солик! Мени жон қулоғинг билан тингла, панду насиҳатларни қалбингга нақш эт. Ул маъданни ҳақойиқ ва толеъ-ал-алойиқ ва Жаноби фоиқ ва кошифи

сүбҳоний ва дину дунё шайхи, мұқтадоси ва мәвлөнөсін Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Фиждуоний тоба сарроҳу ва жаъала ул жаппата масвоҳуро ва доиван зиёрати ҳара-майци шариғайи (Макка ва Мадина)ни пият қилдилар. Ва бу қусурли банда, соликлар оғипининг тупрогини (яъни Хожа Орифни) Фиждуондаги Хопақоҳда ўз ўринларида қолдирив, ишни давом эттиришини ишора қилдилар. Уларни эса Бухородан сафарга чиқиб кетдилар.

Ўшал асрда Ойша исмли бир мажнунна аёл бор эди. Ойша допмо юзини ёпмай, баш яланг юрар эди. Унга ҳарчанд сатри аврат лозим, яъни юз-бошимни цомаҳрамлардан беркит, десалар ҳам у буни қабул қилмас ва дер эди: бугун бу диёрда мард қани? Ки мен ундан ўзимни олиб қочиб, юз-бошимни беркитсам...

Кунлардан бир кун бир нонвой тонг-саҳардан тандирга ўтиш қалаб турар эди. Энди нон ёпиш фурсати келганда, бапогоҳ Ойша ҳовлиқиб келиб қолди ва парвона ўзини оловга урган каби лов-лов ёниб турган ўт ичига ўзини урди, яъни тандир ичига кириб нонвойга хитоб қилиб деди: «Тандирнинг ғозини ёпгил! Ахир, Аллоҳ таоло мардларидан бири Бухорога келаётир. Менга сатри аврат келтир!» Нонвой саросимада қолди, сўнг бу ҳолдан таажжуб қилди. Ойша боз деди «Менга қийим-бот келтир, токи ёпиниб алар истиқболига чиқай!» Нонвой шошилинч уйига жўнади ва зудлик билан қийим-кечак келтирди. Ойша уларни қийиб ташқари чиқди. Нонвой кўрдики, олов унинг ҳатто бир мўйигга ҳам зиён қилмабди. Нонвой Ойша валоятини кўриб, унинг оёғи остига ўзини отди ва ҳақиқий сирдан воқиф эт, деб илтижо қилди. Ойша деди: «Уч йилдан бери муршид ал ҳалойиқ, зоҳири ботинига мувофиқ, яъни шайхо ва мавлоно Абдулхолиқ Фиждуоний муборак ҳаж зиёратида эдилар. Бугун тонгданоқ ул Ҳазрат Жайҳун дарёсидан ўтиб, Бухоро томон юз тутдилар. Шул боис менга юз-бошимни беркитмоқ зарурати бўлди. Энди истайманжи, ул зоти бобаракот мулозаматида бўлай. Агар хоҳлассанг, сени ҳам бошлаб борай. Нонвойга тавфиқ рафиқ бўлди. Ойшанинг шарофати билан тариқат аҳлининг раиси, ҳақиқат асрорининг маъдани — яъни Ҳазрат Хожа сұхбатлари шарафига етишди. Хожа р.а. ўринларидан туриб, Ойшага иззат-икром кўрсатдилар. Ул нонвой ҳам пирга иродат этди ва таважжух ва юрак сабоги ва қалб зикрини топди. Ва Ҳақ йўлдаги соликлар жумласидан бўлди.

Аюҳал ориғ ас-солик! Ҳазрати Хожа (яъни Абдулхолиқ Фиждуоний) р.а. дедиларки, кимеки уч нарсани дўст тутгай унинг жойи дўзахдур. Биринчи — лазиз таом-

ларни өмоққа ҳарис, иккйинчиси нағис либосларни киймоққа ружу қўйган кипи, учинчиси — факир-камбагалдар сұхбатини писанд этмай, бой-бадавлатлар сұхбатини орзу этгани киши. Зеро буларнинг ҳар бири ҳою ҳавас ва нағис муроди ила ҳосил бўлур.

Люҳал ориф ан-носиҳ! Бир куни Ҳазрати Ҳожага савол бердилар: «Дилшинт фарогати нимадан ҳосил бўлур?» Ҳожа буюрдиларки, дилнинг фарогати — унинг тасфити-яъни поклигидадир, Агар ул дилга дунё молидан заррае тамаъ бўлмаса, дил фарогатда бўлур.

Ашур ойи әди. Жамоа Ҳазрат Ҳожа сұхбатларида ҳозир, Ҳазрат эса маърифатдан сабоқ бераеттаи әдилар. Баногоҳ бир мард зоҳид ва соликлар суратида пайдо бўлди: эгнида хирқа, қифтида сажжода (жойнамоз), ховакоҳга кирди, бир бурчакда ўтириди ва бир соатдан кейин ўрнидан туриб, Ҳазрат Ҳожага деди: «Аттақво фаросатул мўъмини фаяннаҳу янзуру би нурил-лоҳи» «Сизлар мўъмин зийраклиги билан қуролланганлар, чунки у Аллоҳ нури билан боқади» ҳадиси сиррини бизга билдиринг! Ҳожа дедиларки, бу ҳадиснинг сири шуки, зуннориигни кесгайсан ва иймон келтиргайсан. Ул мард деди: Маро зуннор зи пор қаффора бошад (яъни зуннорим дўзахда паноҳимдур) наузанбиллоҳи миназ-золик.

Ҳожа бир ходимларига буюрдилар, ходим йигитнинг хирқасини ечди ва белидаги бекитик зуннори намоён бўлди. Ул йигит зуннорини кесди ва иймон келтирди. Ҳожа р.а. дедилар: «Эй, ёронлар, бу наваҳд йигитким — зоҳир зуннорини кесиб, имон шарафига мушарраф бўлди, биз ҳам ботин зуннорини кесайлик ва қайта иймон келтирайлик. Даврадатиларда ажиб бир ҳол пайдо бўлди ва ҳаммалари тавба ва истиғфорларини тоза айлаб, қайтадан иймон келтирдилар.

Ҳожа р. а. дедилар: «Ислом асоси уч нарсададур: биринчиси — ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз — аниг илмидан воқиғ бўлинг! Иккинчиси — ҳар илмники ўрганибсиз — унга амал қилинг! Учинчиси — ҳар амалники этгайсиз — сидқу ихлос билан адo этгайсиз».

Ўзим воқиғ бўлган воқеалардан бири шулки, Ҳазрат Ҳожамиз наввараллоҳу марқадаҳу умрларининг поёнида асҳоблардан баъзи бирлари ҳазратнинг ёнларида әдик. Ҳазрат Ҳожа дедиларки, «Эй, ёронлар, Ҳақ Субҳонаҳу таоло менга башорат этди ва деди: «Қимеки бу равшан йўл (тариқат)ни тутган бўлса — унинг гуноҳларини кечдим. «Жаҳд айланг — тоқи бу Ҳақ йўлдан бенасиб қолмангиз — қаттиқ тутинг!»

Бир соатдан сўнг гайбдан овоз келди: «Яа аййатуҳан

нафсул мұтманнан. Иржиъи ила роббикі розыятан мәрзия. Фадхули фии ибади, вадхули «жаннати» — Эй хотиржам нафс, қайтгии раббингта (Аллоҳ сөн учун тайёрлаб құйған пеъматлардан) рози бұлған ҳолиңгда ва сендан Аллоҳ (бу дүнәдә қылған ибодатларынан) рози бұлған ҳолда. Аллоҳнинг яхши күрган бандаларига құшилиб, жаннатимта кирии.

Сүнг Ҳазрат жонни Ҳаққа тошырдилар. Биз марҳумнинг асбоб шароитларини ҳозирладык. Лекин ул зоти шариғининг муборак лаблари ҳамон: «Аллоҳ, Аллоҳ» зикринни пичирлаб турарди. Ҳозир бұлғанлар бир-бирларидан: «Бунда не ҳикмат бор?» деб сүрар эди.

Аллоҳумагфирлано ва машойихано вал жамиил мұмминина вал мұмминот—Аллоҳ машойихларни, барча мұммин ва мұмминаларни ўзинг магрифат айлагайсен!

Бу китоб тарихи «Нур ало нур» калимасидан чиқарылды (хижрий 622). Нур қасабаси (Бухоро ноҳиясига қарашли Нур қасабаси) да бұлғанимизда зұбдатул соликин (соликлар аълоси) ва мұммини толиб Хожа Наим илтисига мувофиқ бу китоб ёзилди. Хожа Наим дедики, мұхтасар бир асар ирод этсанғиз — ул муниси хуззор (ҳозиргиларнинг дүсті) ва бойси әзтибори ахёрга аброр (улуг қишилар) бұлсын.

Шу ерда Хожа Ориф рисолалари тамом бўлди.

Хожа Мұҳаммад Ориф ар-Ревгарий вағотлари тарихин билдирувчи қитъа ушбуудур:

Афсус шуд пинҳон Моҳитобон ба зери хок,
Килькам сияҳпүш, жигар реш, сина чок.
Тарих баҳри реҳлати у жустам аз қалам».
Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам.

(Мазмуни: Афсус, Моҳитобон тупроқ остига пинҳон бўлди, қаламим қора кийинди, жигарим тилинди, сийнам чок бўлди. Унинг марҳум бўлған йили «Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам»дан чиқади)

Алҳамдуиллоҳки, Хожа Мұҳаммад Ориф ар-Ревгариининг муборак нусхалари ҳақир ва хоку туроб бандасы: яъни фақир — Шермуҳаммад Нақшбандий Мужададий (банда халифалик ила машҳур) дастхати билан зулхижжа ойининг 9 кунида ёзилди.

Тарик қархмати яздон касе бод,

Ки котибро ба алҳамдуиллоҳ, кунад ёд!

Мазмуни: Аллоҳ қархмати бўлсин ўшал кишигаким, котибни алҳамдуиллоҳ ила ёд өтгай.

